

- 2 Газдан қарзингиз борми? Чирокдан-чи?
- 3 Диққат, янги саҳифа: Мехр-оқибат бекати
- 4 Оила йилида оилавий шодликлар

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ
21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА
ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

26 ноябрь, пайшанба
1998 йил №136(637)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда болалар пойабзали ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Юқори сифатли болалар пойабзали ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши ва турлари кенгайиши рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун республикага олиб келаётган хомаше, материаллар ва ярим тайёр маҳсулот-

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг КАРОРИ

Дам олиш кунини 1998 йил 5 декабрь шанбадан 7 декабрь душанбага кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини байрам қилиниши муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қи-

лади.
Дам олиш кунини 1998 йил 5 декабрь шанбадан 7 декабрь душанбага кўчирилсин.

Вазирлар
Маҳкамасининг
Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини индексациялаш тўғрисида

Нархларнинг эркинлашуви шароитида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлири талабалари, ўрта махсус ва ҳунартехника билим юртлири ўқувчиларининг стипендиялари, ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,2 баравар индексация қилинсин.

2. 1999 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: энг кам иш ҳақи - ойига 1320 сўм; ёшга доир пенсия - ойига 2520 сўм; фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади - ойига 1320 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич/нулинчи/разряд - ойига 1320 сўм; болаликдан ногиронларга нафа-

қа - ойига 2520 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшда ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 1530 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Энг кам иш ҳақи нисбатан белгиланган иш ҳақи устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, оналарга фарзанди икки ёшга тулганча парвариш қилиш учун бериладиган, болали оилаларга бериладиган нафақалар ва бошқа туловлар 1999 йил 1 январдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳоқимликлари, бюджетдан молиявий таъминланган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг индексация қилиниши билан боғлиқ харажатлар республиканинг давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тулашининг белгиланган базавий фонди миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадор-

лигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ индексациялашни амалга оширсинлар.

7. 1998 йил 9 июндаги ПФ-2009-сон Фармон, 8-бандидан ташқари, ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ў.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 ноябрь



Улкан маданиятимизни дунёга танитишда пойтахтдаги «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамиятининг ҳам ҳиссаси катта. Чунки корхонада тикилаётган ва тўқилаётган кийимлар, эшик пардалари ҳамда бошқа маҳсулотларни юртимизга ташриф буюраётган чет эллик сайёҳлар ҳам суйиб харид қилишади. Зеро, хорижга экспорт ҳам ой сайин ортиб бормоқда.

Суратда: ҳиссадорлик жамиятининг поп-пекс чехи бошлиғи Маълума Самиева ва тикувчи Доно Қайомовалар тайёрланган маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.
Р.ШАРИПОВ олган сурат.

Вақт кутиб турмайди

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил ҳосили учун кузги қишқи агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келгуси ҳосилга пухта замин яратиш мақсадида бу муҳим ишни ушшоқлик билан сифатли ўтказиш ва уни бешинчи декабрдаги ниҳолга етказиш кўзда тутилган. Ҳўш, Қашқарда вилоятда бу борада аҳвол қандай?

Маълумотларга қараганда, вилоятда кузги шудгорга шу кунга қадар жадвал қилинганча йўқ. Мавжуд 162 минг гектар майдонни бор-йўғи 20 фоизгина шудгордан чиқарилган, холос. Бу борада Нишон, Муборак, Усмон Юсупов, Баҳористон туманларида аҳвол айниқса ташвишли. Бунга асосан мавжуд ҳайдов тракторлари, ишчи кучи ва бошқа воситалардан тўлиқ фойдаланилмаётгани, механизаторлар учун зарур маданий-маиший шароит яратилмагани сабаб бўлмоқда.

Ваҳоланки, вақт кутиб турмайди. Бугунги оқиш кунларнинг қадрига етиб, шудгорлашни жаддалаштирмаган деҳқон ютказди. Зеро, халқимиз «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдасанг юз ҳайда» деб бежиз айтмаган.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎЗА
мухбири.

Дорихоналарда қачон тартиб ўрнатилди?

Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш, дори-дармонлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминлашни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисидаги юртбошимиз Фармонини ҳамда бу борадаги ҳукумат қарорлари Термиз шаҳрида қандай бажарилди? Шаҳар ҳокимлиги назорат инспекцияси ходимлари бу саволга жавоб топиш мақсадида яқинда вилоят «Дори- дармон» очик турдаги давлат ҳиссадорлик жамияти тизимидаги ва хусусий дорихоналардаги аҳолини ўрганиб чиқдилар.

Авалло шуни айтиш жоизки, шаҳардаги дорихоналарнинг базилари тегишли хужжатларсиз фаолият кўрсатаётган экан. Масалан, текширув давомида Б.Муртазоевга қарашли «Даврон» хусусий дорихонаси, Д.Жўраеванинг «Фазо» фирмаси дорихонасида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дори-дармонлар сотиш учун бериладиган лицензия йўқлиги аниқланди.

Шаҳар санитария-эпидемиология станцияси рухсатсиз ишлаётган дорихоналар ҳам анчагина. Назоратнинг сустилаги оқибатида дорихоналарда санитария талаблари бузилган. Уларнинг кўпчилигида тоза сув ва канализация тармоқлари йўқ, совутичлар ишламайди.

Дорихоналарда дори нархларини ёзиб қўйиш, касса аппаратлари ўрнатиш билан ҳеч ким қизиқмаганлиги ҳам таажубли. Шунинг учун сотувчилар дориларни хоҳлаган нархда сотиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Вилоят «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятининг 2-дорихона шохобчасида «Милиазин», «Филингин», «Нетрол», «Нетромидин», «Панадол» каби 10 дан ортиқ турдаги муддати ўтган дорилар борлиги аниқланди. Айрим дориларнинг хужжат-фактурасида серия номерлари кўрсатилмаган. «Алишер» дорихонасида эса республика Давлат реестрига киритилмаган бир неча хил дорилар сотилаётганлиги маълум бўлди.

«Марҳамат» кичик корхонасида қарашли дорихона шохобчасида, «Темур-Т», «Людмила», «Тиббиёт» хусусий дорихоналарида бир неча тур дорилар лаборатория кўригидан ўтказмасдан сотувга чиқарилган. Шунингдек, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлимига қарашли дорихона шу йилнинг сентябрь ойида «САУ» ташқи иқтисодий алоқалар фирмасидан ва яна аллақайси фирмалардан 10 хил дорини сертификатсиз олиб келиб сотмоқдалар.

«Алишер», «Санжар-Зафар», «Гулнора», «Олтин водий», «Тиббиёт» ва бошқа дорихоналарда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан имтиёзли нархларда сотилиши керак бўлган 20 турдаги дори-дармонларнинг ярми ҳам йўқ. Бу каби камчиликлар кишида ўз-ўзидан шундай савол уйғотади: Термиз шаҳар дорихоналарида қачон тартиб ўрнатилди?

Чори Тўхтаев,
ЎЗА мухбири.

Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 6 йиллигига ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

Мухбирларимиз Қобилжон Шокиров ва Довур Жозиловлар меҳнат жамоаларида бўлиб, фуқароларга ана шу савол билан мурожаат қилишди.

Шоймардон Сафаров - иқтисодчи, Шеробод тумани: - Ўзбекистон Конституциясида жаҳон сиёсий айвонида янги демократик мамлакат пайдо бўлганлиги ва халқимизнинг том маънода инсонпарвар давлат яратиш борасидаги кўп асрлик орзулари рўёбга чиққанлигини кўриш мумкин.

Асадилла Саидов - етакчи мутахассис, Тошкент тумани: - Халқро ҳаётда тузум қай даражада халқчиллигига унинг Асосий Қонуни - Конституциясига қараб баҳо берилади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқро жамоанинг синовидан муваффақиятли ўтди деб айтиш мумкин.

Абдувоҳид Ваҳобов - юридик фанлари номзоди: - Асосий Қонунимизнинг энг муҳим жиҳатларидан бири виждон эркинлиги ўз ифодасини топганидир. Бу жамиятнинг чинакам маданийлиги кўрсаткичларидан биридир.

Санобар Абдусамиева - ўқитувчи, Қамаш тумани: - Хурматли Президентимиз Конституциямизни «демократия қомуси» деб таърифлаган эдилар. Давлатимиз раҳбари ўз асаридан шундай деб ёзганлар: «... унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди».

Анатолый Сон - миришкор, Ўрта Чирчик тумани: - Ўзбекчани яхши гапирман, мени оддий фуқаро сифатида қувонтирадиган нарса шуки, Асосий Қонунимизга асосланган халқаро сиёсатда миллий кадрлар ва маънавий, тарихий анъаналар ҳам ҳисобга олиниб иш кўриломоқда.

Давлатмурод Яхшиев - шифокор, Хонқа тумани: - Конституциямиз оила, ҳар бир одам ўзига тўқ, мулкдор, бой бўлса давлат ҳам бой бўлади, деган тушунчани илгари суради. Бунда катта маъно бор.

Қорақўл туманида қишлоқ меҳнат аҳли манфаатларини муҳофазалаш, меҳнатга жўшқинлик бағишлаш борасида муайян тажриба тўплаган. «Ўз касбининг устаси» танловлари, «Ун икки юлдуз» беллашувларини ташкил этиш кабилар шул аржумласидан.

Касаба уюшмалари томошабин бўлгач ИШ ҲАҚИ ВАҚТИДА БЕРИЛМАЁТИР

Бирок баъзи ўринларда касаба уюшмалари фаолиятидаги нўноқлик, бирекламалик, қолаверса, маъмурият билан келишувчанлик оқибатида катор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Битим ва жамоа шартномаларда кўзда тутилган иш ҳақи белгиланган муддатда тўланмаётган меҳнат жамоалари оз эмас. Яна ташвишлиши шуки, Бухородаги баъзи жамоаларда иш ҳақи бўйича қараларнинг ортиб бориш талоғини тизгинлашга эришилмапти. 61-автотранспорт корхонаси, «Бухороқурилиш», «Бухорогазмол», «Бухоро Тебекс», 18-автотранспорт корхоналарида иш ҳақини тулаш

бевор турганлик учун тўло микдорини белгилаш, ишловчиларни тегишли имтиёзлардан маҳрум қилиш чоғида қонун хужжатларининг талаблари бузилишига йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолларда касаба уюшмаларининг оғир оғирлиги яққол сезилаётир.

Жамоа шартномалари барча ерда тўла тузилмаганлиги ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозирги кунда тумандаги 1400 дан ортиқ меҳнат жамоалари ана шундай шартномаларга эга эмас. Деҳқончилик - саноат мажмуи хўжаликлари, маданият муассасалари, мебель, маҳаллий саноат ва маиший хизмат корхоналари, савдо ташкилотларида бу ҳолат кўпроқ кўзга ташланади.

«Ишонч» бонг уради

ҲОТАМТОЙ РАҲБАРЛАР

Ер - халқ бойлиги, унинг ҳар қаричи ҳисобда, эъзозда. Мамлакатимизда ер давлат томонидан муҳофазат қилинишининг боиси ҳам ана шунда. Ерни талон-тарож қилиш эса жиноятдир.

Лекин бундан тап тортиб қилинган, санамай саккиз дегувчилар ҳам учраб туради экан. Зомин туман прокуратураси умумий назорат тартибда тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда хўжаликларда текшириш ўтказганда шундай ҳолатларга дуч келинди. Жумладан, «Гулистон» ижара ширкатлар бирлашмасида ишчи ва хизматчиларнинг ҳар бирига қонунда белгиланган

0,25 гектардан жами 160 гектар шахсий томорқа берилиши керак эди. Амалда эса бирлашма раҳбарлари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, пахта экилиши лозим бўлган ер майдонининг белгилангандан 40,7 гектар ортиқча ерни томорқа сифатида бўлиб беришган. Бундан хўжаликка 177331 сўм зарар келтирилган. Мазкур ҳолат бўйича айбдорларга нисбатан жиноий иш кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Худди шундай қонунбузарликлар «Ғалаба» ижара ширкатлари бирлашмасида ҳам содир этилган. Текширишда бирлашманинг ишчи ва хизматчиларига қонунда белгиланган 172 гектар ўрнига қишлоқ хўжалиги экинлари майдонидан 242,8 гектар ер шахсий томорқа учун ажратилган. Бу билан хўжаликка 239100 сўм зарар келтирилди.

Тумандаги «Оқар» ижара ширкатлари бирлашмаси мансабдор шахслари ҳам гўё юқоридakilар билан баҳо боғлашгандек, ўзларининг ниҳоятда саховатли эканликларини (албатта хўжалик ҳисобига) намойиш қилишди. Пахта экишга мўлжалланган ердан ортиқча 123,7 гектарини бирлашма ишчи ва хизматчиларига шахсий томорқа сифатида бўлиб бе-

ришди. Уларнинг «сахийликлари» хўжаликка 536.700 сўмлик зарар келтирди.

Бундай мисоллар кам эмас, лекин улардан чиқариладиган ғулоса битта - у ҳам бўлса халқимизнинг ризқ-насибаси ундирилмаган, тўкин-социлик манбаи бўлган ерни талон-тарож қилиш хиёнат билан баробар эканлигини унутмайлик. Бундай қонунбузарликка йўл қўйганлар эса қаттиқ жавобгарликка тортилиши мукаррардир.

Ш.ЭРКАБОВЕВ,
Зомин тумани
прокуратурининг катта ёрдамчиси.

МЕХР-ОҚИБАТ БЕККАТЛИ

Мен С. исмли дугонаникига тез-тез бориб турман. Айниқса унинг кўшниси билан қадрдон бўлиб кетганмиз. Хар борганда бу оилага ҳам ачинаман, ҳам ҳавас қиламан. Сабаби куйидагича: оилада эру-хотин турма гунг экан, уларнинг уч нафар фарзанди эса соп-

Шуни таъкидлаш керакки, бу ердаги болаларнинг барчаси соғлом ўсмоқда. Чунки улар ҳамиша шифокорлар назоратида. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Хайдар Ниёзов, педиатр Эгамберди Бердиев, ҳамшира Саломат Хайдаровалар ногирон болаларнинг соғлиги, келажак-

заводларга олиб бориб ишлар билан таништирардик.

Бу даргоҳда ўғил болаларга дурадгорлик, қизларга тикувчилик касби маҳорати ўргатилар экан. Бунинг учун ҳам тахта, миҳ, мато, иплар берилмас экан. Ахир Зухранинг отасидай кўли гул уста, онасидай чевар тикувчи бўлиши учун болаликдан хунар ўрганиши керак-да. Бу мактаб раҳбариятдан ёрдам кўрмайпти экан, деб ўйламанг тагин, улар вилоят коммунал хўжалиги таъминоти бошқармаси бошлиғи Турсун Мамедовдан жудаям миннатдор. У киши синф хоналарини таъмирлаб, болаларга совгалар улашган. Шу йилнинг апрел ойида 20 ўқувчининг мучал тўйини Мансур ота ва Нарзулла оталар ҳомийлик қилиб, ўтказиб беришди.

Ха, савоб ишнинг эрта-кечи бўлмайди. Бу дунёда нимаики иш қилсак, барчаси учун яратганининг олдида ажр бор. Ўзимизнинг соппа-соғлом боламизга тарбия бериш нақадар қийин. Бировнинг ногирон боласига имошоралар билан таълим-тарбия бериш, улар учун ота-она каби кўз-қулоқ бўлиш нақадар заҳматли иш эканлигини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади.

Биз гунглар махсус интернат мактабининг ўқитувчиларига ҳам савобли, ҳам машаққатли ишларини амалга оширишлари учун саховатпеша кишилар қўлларини чўзадилар, деб умид қиламан.

Нилуфар ТУРСУНОВА.
Қашқадарё



Қаердасиз, онажон!



Омин: муборак юртимизда тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлсин, фарзандларимиз камолга етсин, орамиздан меҳру-оқибат кўтарилмасин.

Убайдулла ака Бозоров ҳаёти, фаолияти хар бир инсон учун ибрат бўлиши мумкин. У не-не қийинчиликлар билан ўқиди, олим бўлди. Ҳаёт ёш ўсмир олдиға жиддий тўсиқлар қўйганида ҳам орзусидан чекинмади. Талабалик йилларида етишмовчиликлар кўп бўлади. Бироқ ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, илмнинг қадрига етган Убайдулла мақсад сари дадил интилди. Шу илм туфайли меҳр оқибатли, мурувватли инсон бўлиб етишди.

Азиз инсоннинг ҳамқишлоғи, ҳам қадрдон дўсти Сиддиқжон Мақсудов бағри кенг инсон. У ҳаётда қанчадан-қанча ёшларнинг бахтли, тахтли бўлишиға хисса қўшди. Хасталикка чалиниб қолган бўлса-да, докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ҳозирги кунда жуда кўп кишилар унинг одамийлиги, очик қўллигини миннатдорчилик билан эътироф этишади.

Убайдулла ака умрдоши Лолоҳон опа билан узок вақт бахтли ҳаёт кечиришди. Бироқ, улар гўдак кулгуси-ю, йиғисига зор эдилар. Шунда

эр-хотин маслаҳатлашиб, бола асраб олишға қарор қилишди. Чорсу даҳасидаги болалар уйининг мудираси Хурсанд опа уларни очик чехра билан қарши олди. Мақсадларини айтишганда бу ердагилар уларни қизгин қўллаб-қувватлашди. Гап орасида Лолоҳон опанинг нигоҳи малласоч болага тушади. Истараиси иссиқ, маъноли боқувчи болакай Убайдулла

«Саховат (очик қўллик) жаннат дарахтларидан бирики, унинг шоҳлари дунёға осилиб тушиб туради, ким унинг шоҳини ушласа, уни жаннатға олиб боради».

Ҳадисдан.

Бағри кенг ўзбегим

АНДРЕЙ, ЖИГАРБАНДИМ!

аканинг ҳам юрагига чўғ солди.

- Исми Андрей, мўмин-қобил, бироз шўхлиги ҳам бор,-таъкидлади Хурсанд опа сезирлик қилиб.

- Бизға бола керак, у русми, украинми, кирғизми, аҳамияти йўқ. Меҳр билан тарбиялаймиз.

Шу тариха Андрей фазли хонадоннинг севимли фарзандиға айланди. Бахтни қарангки, йиллар ўтиб Муроджон, Гулчехра, Эркинлар дунёға келишди. Ота-онанинг боши

осмонда эди. Ҳалол меҳнат туфайли фарзандлар ҳаётда ўз бахтларини топишди.

Доцент Убайдулла Бозоров газета ва журналларда одамийлик, меҳру оқибат ҳақидаги мақола-лари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Унинг «Оқил ота ҳақида ҳикоялар» ҳужжатли қиссаси, «Бисора», «Совға» ҳикоялари ёшларда катта таасурот қолдирган.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

Яхшилар шарофати ОИЛА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Шайхонтоҳур туманининг Ибн Сино мавзесида «Шодлик» маҳалласи бор. Маҳалла аҳолиси асосан кўп қаватли биноларда истикомат қиладиган турли миллат вакиллари билан иборат. Шундай бўлишиға қарамай, фуқаролар бир-бирлари билан аҳил, иноқ. Айниқса маҳалла оқсоқоли Жамолддин ҳожи Мирза ҳожи ўғли илгари Тошкент темир йўлида 45 йил ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътибор топганлардан.

Мен яқинда маҳалла идорасида бўлдим. У шинам безатилган бўлиб, маҳалла фаолияти учун зарур бўлган Президентимизнинг фармонлари қўллаб китоблар ҳамда «Ишонч» ва «Маҳалла» газеталарининг таҳлавлари бор эди. Отаҳон билан турли масалаларда узок суҳбатлашдик.

- Кўпчилик оилалар ёшлардан иборат деди у, - очигини айтганда уларнинг баъзилари оиланинг муқаддас эканлигини ҳали англаб етмаганлар. Шу боис дастлабки пайтда тез-тез қўйди-чиқдилар бўлиб турарди. Маҳалла фаоллари ўртасида бундай оқибатсизликлар сабаби атрофлича таҳлил қилинар, хонадонларға бориб суҳбатлар ўтказиларди. Қўмита фаолларининг одамлар орасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш юзасидан сай-ҳаракатлари бесамара қолмади. Кейинги йилларда бундай кўнгилсизликлар кескин камайишиға эришилди. Лекин гуруч курмасиз бўлмаганидек, ҳозир ҳам айрим оилаларда юқоридагидек ҳоллар рўй бермоқда. Масалан, яқинда маҳалламизда уч фарзанднинг отаси Расулмат деган йигит хотини Фотимани икки нафар қизи билан уйдан ҳайдаб юборган. Ўзи эса ичкиликка ружу қўйган. Шундай ҳам бўлганки, баъзида маишатиға пул тополмай уй-рўзғор буюмларини маҳалла гузарига чқариб сота бошлаган. Яхшиямки қўшнилари бор. Етти қўшни ота-онанг, деганларидек, унинг ён қўшниси Рихсвой ака бу ҳақда маҳалла қўмитасига маълум қилган. Маҳалла фаоллари ўртасида бўлиб ўтган муҳокамада шу нарса маълум бўлдики, Расулмат ичкиликбозлик оқибатида ишдан ҳайдалган экан. Бу ҳолат маҳаллада қаттиқ қораланди. Шахсан маҳалла оқсоқоли Жамолддин ота бу масалаға аралашиб, қандай бўлмасин эр-хотин ўртасида кўтарилган меҳр-оқибатни қайта тиклашға жазм қилди. Бу ишға маҳалла хотин-қизлар қўмитаси фаоллари ҳам жалб қилинди. Эр-хотин ўртасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилди. Энг муҳими, маҳалла уларнинг фожеасига томошабин бўлиб қараб турмади. Натихада оила қайта тикланди. Бу хонадондан юз ўгирган омад қайтиб келди. Айни пайтда Расулмат маҳалла қўмитаси аралашувидан сўнг ишға қайта тикланди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Ибн Сино маҳалласи
фахрийлар кенгаши раиси.

САХОВАТПЕШАЛАР, БОРМИСИЗ?

САВОБ ИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

па-соғ. Оллоҳ ота-онаға ажойиб хунар эгаси бўлиши ато қилган. Шу баҳона вилоятимиздаги гунгларнинг махсус интернат мактабида бўлишға тўғри келди. Мактаб директори ўринбосари Иноят Бегматов бу ердаги барча шариотлар билан таништирди. Мактабни 1961 йилда марҳум Зиннат Қоратоев ташкил этган, 15 йил раҳбарлик қилган пайтларида болалар учун энг зарур қўлайликлар яратиш ҳақидаги орзуларни амалға оширган. Айни пайтда олий тоифали ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси Тошмурод ака Сувонов раҳбарлик қилмоқда. Жамоада жами 39 нафар ўқитувчи, 40 нафар тарбиячи бўлиб, улар 227 нафар ўғил-қизға таълим-тарбия беришапти.

Ўқитувчиларнинг деярли барчаси кўп йиллик тажрибаға эга, хар томонлама ҳаёт синовидан ўтган мутахассис кишилардир.

ги баркамол бўлишлари учун бор имкониятларини ишға солмоқдалар. Назира Чиннибекова шу мактабда 22 йилдан бери махсус асбоблар ёрдамида болаларнинг эшитиш қобилиятини ўстириш билан шуғулланади. Зоя Борисовна ҳам 1981 йилдан буён нутқ ўстириш бўйича яқка машғул олиб боради.

Биринчи тоифали жисмоний тарбия ўқитувчиси Мавлонжон Турдиев болаларга спортнинг хар хил турларини ўргатади. Республикада ўтказилган гунг болалар спартакиадаларида дипломлар ва фахрий ёрликлар олиб келинган. Бир-икки йилдан бери болаларни бундай мусобақаларға олиб беришға имконият бўлмади қолибди.

- Мактаб учун атиги биттагина кичик автобус сўраб мурожаат қилмаган ташкилотимиз қолмади,- дейди Иноят ака. - Автобус бўлганда болаларни саёхатға олиб чқардик, фабрика-

Баъзи жамоаларда республика Вазирилар Маҳкамасининг маъмурий бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришға доир чоратadbирлар комплекси тўғрисидаги қарорини бажаришға камчиликларға, бир ёқламаликка йўл қўйляпти. Наманганлик оддий боғбоннинг таҳририятимизға йўллаган арзномаси бунга мисол бўла олади.

...Узоқ йиллар Намангандаги аврли атлас ишлаб чқариш бирлашмасида ҳалол меҳнат қилдим. Ҳаёт

Во, ажаб! КУЧЛАРИ БОҒБОНГА ЕТИБДИ...

тақозоси билан вилоят ғалла банкиға боғбон бўлиб ишға жойлашдим. Қўлимдан келганича ободончилик ишларини жонлантиришға

хисса қўшдим. Бироқ, бир кунки маъмуриятдагилар боғбон штати қисқарганлиги сабабли бўшаҳ ҳақида ариза ёзиб беришимни

айтишди. Жорий йилнинг 27 октябр кунни огоҳлантириш хати олдим. Шундан сўнг кадрлар бўлимиға учрашдим. У ерда республика Вазирилар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ қисқаришға тушганлигини айтишди. Банкада билишимча 60 га яқин ходим ишлади. Ахир қайд этилган қарор маъмурий бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришни кўзда тутдику? Мутасаддилар нотўғри йўл туттишпти, келиб-келиб бир боғбонға кучлари етдими? **Жобир ЛАТИМБОВЕВ, боғбон.**

«Кишиларға таом беринглар ва ширин сўз гапиринглар».

«Енглар, ичинглар, кийининглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, мағруланманглар».

«Албатта сизлар одамларнинг ҳамма-

сига молларингизни етказа олмайсизлар, лекин уларни очик чехра билан хўшхўлқлигингизни етказа оласизлар».

«Саводсиз сахий киши серибодат бахил кишидан кўра Оллоҳ таолоға суюқлироқдир».

Ҳадисдан.

Ибрат МАҲАЛЛА ОТАЛИК ҚИЛДИ

Ҳаёт меҳрибон, танти инсонлар билан гўзал. Пойтахтимиздаги Акмал Икромов тумани ҳудудидаги Абдулхай Тожиев маҳалласида бундай бебаҳо инсонлар жуда кўп. Қуйидаги ҳаётий мисол ҳам фикримизнинг далили бўла олади. Нуронийлар ташаббуси билан ёрдамға муҳтож оилалар аниқланди. Улар кўпнинг меҳру муҳаббати билан қуршаб олинди. Узаро суҳбат чоғида кишилар ўзларининг ёлғиз эмасликларини чуқур англаётганликларини сездим. Яқинда маҳалла дастурхончиси Турди ая Мирсултонова бошиға оғир мусибат тушди. У 23 ёшли невара фарзандидан айрилиб қолди. Шунда маҳалла-кўй ёрдамға келди. Дафн маросимидан тортиб, маъракаларғача беминнат ёрдам кўрсатилди.

- Яхшилар барака топишсин, мусибатли дамларда қўллаб-қувватлашди, шундай ажойиб маҳаллада, топилмас инсонлар орасида яшаётганлигимдан бахтлиман,- дейди Турди ая.

Маҳмуд АХМЕДОВ,
маҳалла фаоли.

ҲАМЖИҲАТ ФЕРМЕРЛАР

Мулкчиликнинг нодавлат шакли хар қадамда ўз афзалликларини намойиш этаётир. Қизирқ тумани фермерлари йил сайин баракали меҳнат қилиб ўзларига ҳам, эл-юртға ҳам катта наф келтиришмоқда. Тадбиркорлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ҳаммадан ҳам мақтовға лойиқ. Очиги пулдор, ишбилармон кишилар хар доим ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлашмайди. Бироқ Қизирқ фермерлари ҳамқору ҳам жиҳатликда барчаға намуна. Яқинда тадбиркорлар маслаҳатни бир жойға қўйиб уюшма раиси Рустам Урмоновға «Тико» русумли автомашина олиб беришди. Мақсад ишни янада ривожлантириш, муаммони вақтида ҳал этиш. Ана энди Рустамбой «Тико»ни гириллатиб барча эзгу ишларни рўёбға чқариб юрибди. Ҳамжиҳатлик бор жойда, муваффақият бор, деб беқорға айтишмайди.

Тождиддин РАЗЗОК,
«Ишонч» мухбири.

Дунё қизиқ. Инсон боласи борки, елиб-югуриб, ташвишлар оғушида юради. У ҳаётнинг қутилмаган зарбаларига дуч келиши ҳам табиий.

Лекин буларнинг ҳаммаси барчаға бирдек таъсир қилмайди. Иродаси мустаҳкам, сабр-тоқатли кишилар бундай салбий ҳолатлар қаршисида довдираб қолмайдилар. Воқеанинг хар бир иқир-чқирларини ақл тарозисида тақдор ва тақдор ўтказгандан кейингина бир тўхтамага келиб, хулоса чиқариш мумкин. Бироқ, уларнинг акси бўлган одамлар ҳам бор. Жаҳолат пайтида ўзини тўтолмай ўз жонига қасд қилишғача борадилар. Қуриниб турибдики, демак, жоҳиллик энг оғир гуноҳларға етаклар экан. Инсонға умр Аллоҳ томони-

дан берилган омонат, уни қачон қайтариб олишини ҳам фақат унинг ўзи биллади.

Ўз жонига қасд қилиш исломда ҳам, қонунчилигимизда ҳам қаттиқ қораланади. Бу ҳолатға қўл урган одам эса гуноҳи азимға ботади.

Аваллам бор инсон ўз қадр-қимматини билиши, ўзини-ўзи ҳурмат қилишға ўрганиши даркор. Шундан сўнггина у ўзгаларнинг ҳам қадриға етиб, ҳурматлаш тўғрисиға эға бўлади. Бироқ, ҳаёт-ҳаёт-да. Инсон хар қанча бой бўлган сари яна бўлсам, девлар экан. Инсоннинг ички «мен»и уни янада «бўлиш» сари ундаб туради. Шунинг оқибатида баъзилар башанг кийиниш, зўр еб-ичиш, қиммат-баҳо буюмларға эға бўлиш истагининг қулиға айланадилар. Фақат сабр-қаноат

билан, бирни кўриб фикр, бирни кўриб шўкр қилган инсонгина вақт соати билан ўз орзу-мақсадларига эришишдан ноумид бўлмайди.

Ношукур бандалар ЖАҲАЛ ЖАҲОЛАТГА ЕТАКЛАДИ

Х. исмли ўғли сирка ичиб ўз жонига қасд қилган экан. Аслида воқеа бундай бўлган. Ўғил кечки мактабда ўқиган. Ўқишдан сўнг ота-онасидан берухсат бир дўстининг туғилган кунига борган ва кеч қайтган. Унинг бу қилмишидан дарғазаб бўлган ота уни қаттиқ койиған. Фарзанд эса отаға аччиқ қилиб...

дамни бермоқчи бўлдим. - Айтинчи, Сизни ҳаёт билан видолашишға мажбур қилган сабаб нима эди? - Отаҳон, ҳаётдан тўйиб кетдим. Ҳатто фарзандларим ҳам кўзимға кўринмасди. Бундан бошқа иложим, чорам қолмаганди. Онам деб шу уйға келганим - қайнонамнинг тинимсиз зугумлари, уйдаги оила аъзоларининг доимий чиқиш-тирмасликлари, мени одам ўрнида кўрмай, камситишлари шундай қилишға мажбур қилган эди.

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, келин - қайнона ўзаро муносабатларида му-

